

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2026 йил 17 февраль куни, жиноят ишлари бўйича Кўкдала туман судининг очик сайёр суд мажлиси Кўкдала тумани Адлия бўлими биносида бўлиб, шу суднинг раиси Ў.Расуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Тажиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Кўкдала туман прокурори катта ёрдамчиси Н.Сизонов, гумон қилинувчи Х.Тухтаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ахмедов, гумон қилинувчи Ш.Жумаев ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Қиличевларнинг иштирокида,

Тухтаев Хасан Жумаевич (Tuxtayev Hasan Jumayevich) 1974 йил 24 октябрь куни Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Кўкдала тумани “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисми ҳамда Жумаев Шокир Чимбой ўғли (Jumayev Shokir Chimboy o'g'li) 1994 йил 15 февраль куни Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Кўкдала тумани “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини, Юртпарвар кўчасида яшайди,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1816-2601/30-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Х.Тухтаев, 2025 йил 31 декабрь куни соат 16:00 ларда Кўкдала тумани “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги яшаш уйи яқинида жияни Жумаев Шокир Чимбой ўғли унга “Ака маст экансиз, уйизга боринг, бўлмаса кўчада жанжаллашиб қоласиз” деб айтганида ўзаро жанжаллашиб қолиб, қўли билан Ш.Жумаевнинг юз қисмига қасдан уриб, унинг танасига ўртача оғир тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМ Қашқадарё филиалининг №5/2-хуж/ХТа-сонли хулосасига кўра, Ш.Жумаевнинг танасида “пастки жағ суягини чап бурчак сохаси синиб силжиши, пастки жағ сохаси тери ости гематомаси” кўринишидаги жароҳатлари аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар бирон-бир ўтмас, қаттиқ жисмнинг таъсири натижасида юзага келган бўлиши мумкинлиги, мазкур жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни узоқ вақт, яъни 21 кундан ортиқ бўлган муддатга ёмонлашувига олиб келган ЎРТАЧА ОҒИРЛИКДАГИ шикаст гуруҳига киритилиши қайд қилинган.

Ш.Жумаев, 2025 йил 31 декабрь куни соат 21:30 лар чамасида Кўкдала тумани “Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини яшаш уйи яқинидаги кўчада амакиси Тухтаев Хасан Жумаевич маст ҳолатда йўлдан ўтмоқчи бўлган болаларга гапираётганлигини кўриб, Х.Тухтаев “Ака маст экансиз, уйизга



боринг, бўлмаса кўчада жанжаллашиб қоласиз” деганлиги учун амакиси билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, Х.Тухтаевни йуз қисмига қўли билан қасддан уриб, тан жароҳати етказганлигини аниқланган.

РСТЕИАМ ҚФнинг 2026 йил 27 февралдаги №4/3-ХТа-сонли хулосасида, Тухтаев Хасан Жумаевичнинг танасида “бурун суягини ёпиқ синиб қисман силжиши” кўринишидаги тан жароҳатлари борлиги ва ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувиға ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишиға сабаб бўлган қасддан баданға ЕНГИЛ ШИКАСТ гуруҳиға кириши кўрсатилган.

Судда, гумон қилинувчилар Х.Тухтаев ва Ш.Жумаевлар аризалар билан муурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан ярашув асосида тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Х.Тухтаев судда, ярашув аризасини қувватлаб, айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, қилмиши оқибатини англаганини, Ш.Жумаевдан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни қоплаб бериб, у билан ўзаро ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Ш.Жумаев судда, ярашув аризасини қувватлаб, айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, қилмиши оқибатини англаганини, Х.Тухтаевдан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни қоплаб бериб, у билан ўзаро ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида, Жиноят кодекси 105-моддаси 1-қисми ва 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчилар Х.Тухтаев ва Ш.Жумаевларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, прокурор ва адвокатнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Х.Тухтаев ва Ш.Жумаевларнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бир бирларига етказилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлиги, муқаддам судланмаганликлари, гумон қилинувчилар ўзаро ярашиб олишганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан ихтиёрий бўлаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми ва 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ушбу Кодексининг 66¹-моддасиға мувофиқ ярашувға тушадиган ишлар тоифасиға киришлигини инобатға олиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, гумон қилинувчилар бир бирларига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини қайд қилишни, гумон қилинувчиларға Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмиға асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилганини қайд этишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасини 4-қисми, 585 ва 586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Тухтаев Хасан Жумаевич (Tuxtayev Xasan Jumayevich) ва ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Жумаев Шокир Чимбой ўғли (Jumayev Shokir Chimboy o'g'li)га оид жиноят иши уларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Иш бўйича етказилган зарарлар қоплангани қайд қилинсин.

Гумон қилинувчиларга ЖПКнинг 583-моддасини 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадфарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач эса кассация тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Ў.Расулов

